

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ЁШГА ДОИР ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ СОЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳасанова Дилфузада Одиловна

Қўқон давлат педагогика институти доценти

### АННОТАЦИЯ

*Мулоқот системаси учун аҳамиятли ва зарур бўлган системани ташкил этувчи белгилар ҳар қандай мулоқотнинг зарур шартидир. Улар шахс унсурининг ички элементлари бўлиб, ўзаро зич боғлиқликка эга. Бу белгилардан бирортаси бўлмаса, улар ўзаро тенг нисбатда ҳаракат қилмаса, мулоқот системасида шахс унсурининг роли пасаяди ва коммуникатив интенциянинг реаллашувига жиоддий путур етади.*

**Калит сўзлар:** шахс, мулоқот, гендер, когнитив, коммуникатив, эвфемизмлар, лисоний, прагматик омиллар, эвфемизация, доминант.

### ABSTRACT

*The characters that make up a system that are important and necessary for a communication system are necessary condition for any communication. They are the internal elements of the element of personality and are closely interrelated. In the absence of any of these signs, if they do not act in equal proportions, the role of the personality element in the communication system decreases and seriously impairs the realization of communicative intention.*

**Keywords:** personality, communication, gender, cognitive, communicative, euphemisms, linguistic, pragmatic factors, dominant.

### КИРИШ

Ўзбек тилшунослиги замонавий фан сифатида ўзининг формал ва субстанциал ўрганиш босқичларини босиб ўтиб, янги – антропоцентризм босқичига ўтди. Шунинг учун эвфемизмларни ҳам янги босқич асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Тилшунослиқда тил ва нутқнинг фарқланиши стилистиканинг мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди. Стилистика соғ амалий аҳамиятга эга: стилистикани ўрганиш, унинг тамойил ва қонун-қоидаларини билиш нутқ маданиятини оширишда муҳим омилдир. Шунга кўра, услубшунослик жамиятнинг лингвостилистика маданиятини оширишга хизмат қиласи, тил фактларига баҳо беришга ўргатади, мазмун ва алоқа жараёнига мос тил воситаларини танлаш кўнкимларини яратишга кўмаклашади. Мана шу жиҳатлари билан ҳам у прагмалингвистика билан ўзаро боғлиқлик касб этади. Демак, нутқ услублари ҳам прагмалингвистиканинг бир кирраси саналади.

957

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Шахс унсури мулоқот системасида вазият унсури билан бирга асосий ўринни эгаллайди. Зеро, бу икки унсур ушбу тизимда доминанталик қилади. Аммо шахс вазиятдан фойдаланади, лекин вазият шахснинг мулоқот интенцияси (мақсади)га таъсир қилмаса-да, интенцияга эришиш усулини ўзига мослаштиришни талаб қилади. Акс ҳолда, у мулоқот сифати ва натижасига, демак, адресантнинг коммуникатив интенцияси тўлақонлилигига путур етказади.

Шахс мулоқотнинг боғловчи воситаси, унсури бўлган лисоний воситаларни танлаш ва ўринли ишлата билиш учун қуидагиларга эга бўлиши зарур:

- а) лисоний қобилият;
- б) когнитив қобилият;
- в) мулоқот қобилияти.

Бу белгилар шахс унсурининг мулоқот системасида ўрин эгаллаши учун жуда зарур бўлиб, системалогия нуқтаи назаридан система ташкил этувчи белги ҳисобланади.

Мулоқот системаси таркибида шахс унсури ё адресат, ёки адресант сифатида қатнашади. Унинг адресант ёки адресат эканлиги субстанциал табиатга эга эмас, балки мулоқот тизимида вужудга келади. Шу боисдан шахс унсурининг адресат/адресантлиги белгисини системада хосил бўлувчи белги сифатида баҳолаш мумкин.

Шахс унсури гендер, характер-хусусият, ахлоқий, эътиқодий, эстетик, жисмоний, профессионал, ёш, савия каби қатор белгиларга ҳам эгаки, бу белгилар системанинг айримлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, бошқаларида аҳамиятсиз саналади. Шунинг учун бу шахсий сифатларни мулоқот системаси учун бетараф, иррелевант белгилар сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

Мулоқот системаси учун аҳамиятли ва зарур бўлган системани ташкил этувчи белгилар ҳар қандай мулоқотнинг зарур шартидир. Улар шахс унсурининг ички элементлари бўлиб, ўзаро зич боғлиқликка эга. Бу белгилардан бирортаси бўлмаса, улар ўзаро тенг нисбатда ҳаракат қилмаса, мулоқот системасида шахс унсурининг роли пасаяди ва коммуникатив интенциянинг реаллашувига жiddий путур етади. Масалан, лисоний қобилият, яъни муайян тилда сўзлаша олиш қобилиятига эга бўлмаслик шахснинг мулоқотга киришувига монелик қилади. Ёхуд когнитив компетенция дея

аталувчи билимлар захирасига эга бўлмаслик ҳам зарур мақсадга эришиш йўлидаги тўсиққа айланади. Дейлик, бирор мавзудаги сухбатнинг натижаси ҳар икки томоннинг шу мавзуси бўйича зарур билимларнинг қай даража эканлиги билан белгиланади.

Коммуникатив компетенция (мулоқот қобилияти) кенг қамровли белги бўлиб, у мулоқот бирликларини қўллаш тактикасини ҳам, мулоқот вазиятидан фойдаланиш маҳоратини ҳам, шу билан биргаликда, мулоқот унсурларини коммуникатив интенция йўлида уюштириш малакасини ҳам ўз ичига олади. Бу ички унсурларнинг ҳар бири мулоқот самараси учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш лозим.

Шахснинг дискурсив ёки мулоқот фаолиятини мулоқот интенцияси бошқаради. Шу боисдан, коммуникатив интенцияни дискурсив “ғоя”, мулоқотнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқdir. Зеро, мулоқот интенцияси шахс нутқий ҳаракатининг кўлами ва кучини белгилайди. Шунинг учун шахснинг дискурсив фаолияти pragmalingvistik таҳлилларнинг марказида туради. Шу маънода Ш.Сафаров айрим тилшуносларнинг бу борадаги фикрларига ўз эътиrozини билдиради: “ нутқий ҳаракат таъсирини pragmalingvistik таҳлил доирасидан четга суриб кўйсак, унда мулоқот тизимини тўмтоқ қилиб қўймаймизми?! Мулоқот сўзловчига таъсир ўтказиш, уни бирор жавоб ҳаракатига ундаш учун бажарилади-ку! Нутқий мулоқот мақсади икки сатҳлидир, яъни нутқий ҳаракатда ахборот алмашиш ва коммуникатив pragmatik мақсад воқеланади. Биринчисида сўзловчининг мақсади ахборот етказиш ёки олишдир”.

Демак, муайян мулоқот системаларида шахснинг коммуникатив ҳаракати, дискурсив фаолияти:

- а) лисоний қобилият;
- б) когнитив қобилият;

в) мулоқот қобилияти яхлитлигига юзага чиқиб, бу унсурларни яхлит ўрганиш билангина шахс унсури ва унинг дискурсив фаолиятига ҳаққоний ва тўлақонли баҳо бериш мумкин.

Эвфемизлар ижтимоий ҳаётнинг муайян ҳодисалари, инсоний муносабатлар маданияти ва ахлоқий баҳолардаги ўзгаришларга нисбатан моҳирона ишлатиладиган воситадир. Жамият ривожланишининг бир босқичида ишлатиладиган эвфемизлар кейинги босқичида ўз моҳиятини йўқотиб, нарсаларни бевосита тўғридан тўғри атайди. Эвфемизация жараёнида вақт омили муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, ижтимоий омил ҳам муҳим

аҳамиятга эга, чунки турли ижтимоий мұхитда әвфемизацияга учраган нутқ ҳодисалари ҳақидағи ғоялар турлича бўлади. Ҳозирги кунда әвфемизм замонавий тилшунослар асарларида прагматик ёндашув нүқтаи назаридан фаол ўрганилиб, унда әвфемизмлар коммуникатив қулайликни таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қиласи ва адресат билан кооператив ҳамкорликка эришишга ёрдам беради. Эвфемия нутқ талабларини бажариш ёки онгли равишда бузиш усуllibаридан бири сифатида қадимда шаклланган. Мантиқийлик, тўғрилик, аниқлик, хилма-хиллик, манманлик, нотинчлик, қисқалик ва аниқлик, палапартишлик ва долзарблик нутқнинг асосий ижобий сифатлари ҳисобланган (Москвин, 2001). Нутқ мулоқотининг тамойиллари ва постулатларини шакллантирган П.Грайс ва Дж.Лич коммуникация (алоқа) қоидаларини тизимлаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Ҳамкорлик тамойили (Грайс, 1985) асосий тамойил бўлиб, у нутқий хабарга қўшилган ҳисса мулоқотнинг қабул қилинган мақсади ва йўналишига мос келишини талаб қилишдан иборат. Постулатларнинг қўйидаги тўрт тоифаси ушбу тамойилга бўйсунади: 1) миқдор категорияси: баён тўлиқ маълумотни етказиши керак; 2) сифат категорияси: узатилган маълумот адолатли бўлиши керак; 3) муносабатлар категорияси (у билан боғлиқ бўлган ягона постулатнинг долзарблиги: баёнот масаланинг моҳиятига тегишли бўлиши керак); 4) усул категорияси: баёнот аниқ ва қисқа бўлиши керак.

Дж.Лич олти постулатлар кўрсатилган тамойилга конкретлашадиган (Арутюновага қўра, 1985) коммуникантлар муносабатларини тартибга соловчи мухим хушмуомалалик тамойилини шакллантириди: 1) такт постулати (ноқулайликларни бошқа максимал қулайликлар билан таъминлаш); 2) олийжаноблик постулати (ўзингиз учун минимал қулайликлар ва бошқаларни максимал қулайликлар билан таъминлаш); 3) ижобий баҳо бериш постулати (бошқаларни салбий баҳолашни камайтириш, ижобий баҳолашга ҳаракат қилиш); 4) камтарлик постулати (ўзингизни минимал мақташ, иложи борича ўзингизга танбех бериш); 5) розилик постулати (ўзингиз ва бошқалар ўртасида келишмовчиликни камайтириш); 6) ёқтириш (симпатия) постулати ўзингиз ва бошқалар ўртасидаги антипатияни камайтириш, сиз ва бошқалар ўртасидаги максимал симпатияга интилиш).

Агар коммуникантлар юқоридаги талабларни бажармасалар, мулоқот қоидаларини бузадилар, бу эса мантиқизлик, мужмаллик каби нутқий камчиликларга олиб келиши мумкин (масалан, ҳақорат, тухмат, алдов ва ҳоказо) ва ҳаддан ташқари хушмуомалалик муносабати ҳам салбий натижаларга олиб

келиши мумкин. Бироқ нутқ талабларини бузиш коммуникатив нұқтаи назардан ҳам оқланиши мумкин, масалан, агар мuloқot мақсадига эришиш фақат шу йўл билан амалга оширилиши мумкин бўлса. Прагматика нұқтаи назаридан эвфемизмлардан фойдаланиш хушмуомалалиқ, камтарлик, нозиклик, яхши дид қоидалари ҳамда объект ёки ҳодисанинг салбий моҳиятини юмшатишга интилиш тамойилларини тақозо этади. Эвфемизмлар нутқ талабларининг коммуникатив-асосли бузилишлари натижасидир. Шундай бўлса-да, сифат туркумидаги постулатлар (“нотўғри деб ўйлайдиган нарсангни айтма”), усул туркумидаги постулатлар (“тушунарсиз ифодалардан воз кеч”, “ноаниқликнинг олдини ол”) (Грайс, 1985) кузатилади, бунда ҳамкорлик глобал тамойили олиб борилади ва нутқий мuloқot мақсадига эришади.

Шундай қилиб, эвфемизация давомида пайдо бўлган ноаниқлик якуний коммуникатив мақсадга хизмат қиласи – сухбатдош учун ёқимсиз бўлган ўткир ёки қўпол баёнотнинг бевосита маъносини юмшатишга хизмат қиласи. – Ўл бўлди! Дард бўлди! – Комиссар алам устида хотинига тарсаки солди. – Комиссар квартирага ўрнатилиши эҳтимол бўлган “кулоқлар” ёки пастда, йўл четида пойлаб турган машинадаги “локатор” эшитиши учун овози борича ҳайкирди: – Итдан бўлган қурбонликқа ярамайди! Эринг Англия разведкасига сотилганини нега яширдинг? (Ўткир Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”. 82-б. Комиссар Ғаниев, 75 ёш) Шу билан бирга, эвфемия ҳодисаси лингвистик универсалларни англатади, коммуникация (алоқа) жараёнининг ажralmas таркибий қисми бўлиб, зиддиятсиз ва муваффақиятли мuloқotning асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қиласи.

Кўринадики, эвфемизмларнинг нутқий воқеланишида бевосита прагматик омилларнинг таъсири катта. Зеро, прагматик омилларнинг эвфемизмларга таъсири, албатта, ўзбек мuloқot маданияти, мuloқot хулқи, мuloқot одоби, миллий менталитети билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, чиройли ҳамда айтилиши ноқулай бўлган фикрни “қоғозга ўраб” сухбатдошга етказиб бериш ўзбекона мuloқot маданияти саналади. — Битта-ю битта қизимни жўжаларим билан кўчага ҳайдаб қўяйми? Тор қорнимга сиғган кенг уйимга сиғмийдими? – Умида, жон қизим, эсингни йиғ, бўладиган савдо эмас, бу боланинг кўзи бежо, дегандим. – Кўй, болам, шайтонга ҳайф бер, пешонангдагини кўриб кетарсан, дидим. (Ўткир Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”. 63-б. Қурбоной, 55 ёшда) Эrim бўлмагани билан бошим очик эмас, – деди пицирлаб, Аскарали тоғанинг ўғилларига кўнглим бор эди. Пешонам шўр экан, бошқа кишини эр қилдим. Мен уни азалдан ёмон кўрардим. Йўқ, ўзи ёмон одам эмасди, фақат сал тўпори,

кўриниши совуқроқ эди. Тегишга тегдиму, у билан яшаб кетишга кўнглим чопмади. Ёстиғимиз бошқа-бошқа эди... (Тоҳир Малик. “Девона” қиссаси.103-б. Сабохон 30 ёшларда) Кампир, – деди, – буёғи шартимиз кетиб, партимиз қолди. Бир-биримиздан яширадиган сир ҳам қолмади ўзи. Тўғрисини айт: бирон марта чакки қадам босганимисан? (Ўткир Ҳошимов. ”Дафтар ҳошиясидаги битиклар”. 184-б. Қари чол) – Тўғри, – деди кампир ҳеч балони эшитмай. – Норқулингизди келини қўзилабди. Қиз – Ана! – деди чол. – Мен буни желкасини қашлайман, буни чевара келини қиз тувади. Яхши қашламаган чиқарман-ов...(Ўткир Ҳошимов. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”. 187-б. Қашқадарёлик 100 ёшлардаги чол ва кампир)

Демак, нутқда эвфемизмлардан фойдаланиш сўзловчининг маълум мақсадини ифода этишга хизмат қиласди. Нутқ вазияти, ўрни ва бошқа бир катор омиллар эвфемизмлардан фойдаланишга эҳтиёж туғдиради. Публицистик эвфемизмларнинг нутқий воқеланишида прагматик омиллар бир бутун ҳолда таъсир кўрсатади. Масалан, Отаси урушдан яримжон бўлиб қайтган, тўкилиб кетай деб турган кулбада туришарди. Тўнгич неварамнинг бўйи чўзилиб қолди...(Ўткир Ҳошимов. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”. 83-б. 60 ёшлардаги эркак) – Эсинг жойидами, земляк! – деди танкчи овозини пасайтириб. – Олиша кўрма бу хотинлар билан. Эрига бир оғиз, “ҳақорат қилди”, деб шипшиб қўйса, нақ трибуналга тушасан, тентак! Биронта каттароқ офицернинг “прокат”га олган хотини-да! Бу ерда ҳамма катталарнинг “вақтинча” хотини бор: сотувчи, кир юувучи, санитарка...Сен жангга кириб, ўлмай чиқсанг, Ватан номидан раҳмат эшитасан, катта офицернинг «прокат»га олган хотини бўлса, Ватан олдидаги “хизматлари” учун орден олади! (Ўткир Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”. 48-б. Рустам, 25 ёшларда) Ман юрак олдириб қўйганман, холанг қоқиндиқ. Совуқ тушганидан бери касалим ўлгур қўзиб қолди. (Ўткир Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”. 62-63 б. Қурбоной, 55 ёшда)

Таъкидлаш керакки, эвфемизмларнинг воқеланишида прагматик ва лисоний омиллар ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Ўзбек тили ҳодисаларини “нутқ-лисон” тамойили асосида ўрганиш натижасида қўлга киритилган лисоний умумийликларнинг нутқий воқеланишини нолисоний омиллар билан биргалиқда тадқиқ қилиш, улардан шахснинг оқилона ва самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиши прагматик лингвистиканинг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзи-ўзини ташкил этувчи системаларнинг инсоний омиллар билан қоришган ўзига хос кўриниши бўлган нутқий тизимда лисоний ва прагматик

омиллар ҳамкорликнинг юксак даражасида амал қиласиди, бир қарашда улар орасига чегара қўйиш, идрокий асосда уларнинг хиссаларини аниqlаш имкони маълум даражада чекланган бўлади.

Лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳамкорлиги мувофиқлик кўринишида намоён бўлиб, нутқий система таҳлилида уларнинг бирортасининг ҳам мавқеига паст назар билан қараб бўлмайди, бунда комплекс таҳлил тамойили устуворлик қиласиди.

Коммуникатив интенция фаоллик қилиб, сўзловчи ўз мақсадига эришиш учун бир вақтнинг ўзида прагматик омилларга бўйсуниш билан бирга уларни усталик билан ўзига мослашга ҳаракат қиласидиган ўринларда лисоний воситаларга ҳам устуворлик берилади.

## **ХУЛОСА**

Нутқда лисоний омиллар сўзловчи томонидан “мажбурий-ихтиёрийлик” тамойили асосида бошқарилади. Масалан, сўзловчи мулоқот интенцияси ва унинг намояндаси бўлган нутқий интенция асосида тил воситаларидан бирини танлайди ва унга мустаҳкамловчи воситаларни тиркайди – сўз ва грамматик шаклларнинг валентлик имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда фикрини муайянлаштириш ҳамда ўз мақсадига осонроқ ва қулайроқ эришиш учун фикрий танловни амалга оширади. Албатта, бир вақтнинг ўзида, онг остида ўтиб кетган прагматик омилларни инобатга олиш ва уларни ҳам ўз ўрнида “ишлатиш” компетенциясига таянади. Натижада лисоний ва прагматик омилларнинг уйғуналигига эришилади.

## **REFERENCES**

1. Эрназарова М. Прагмалингвистиками ёки лингвопрагматика? // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, 2011. № 1. 121-бет.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Самарқанд, 2008. – 318 б. – Б. 52.
3. Эрназарова М. Луғавий шакл ҳосил қилувчилар грамматик маънонинг воқеланишидаги ўзига хосликлар // Ўзбек тили ва адабиёти – 2013, № 1. 8-бет.
4. Эрназарова М. Луғавий шакл ҳосил қилувчилар грамматик маънонинг воқеланишидаги ўзига хосликлар // Ўзбек тили ва адабиёти – 2013, №1. – Б. 8.
5. Эрназарова М. Луғавий шакл ҳосил қилувчилар грамматик маънонинг воқеланишидаги ўзига хосликлар// Ўзбек тили ва адабиёти. - 2014, №2. 110-бет.